

Мустажоб дуо



08:13 / 07.04.2020 1956

Язид ибн Абу Ҳабибдан ривоят қилинади: «Ибн Сарх розияллоҳу анҳу Рамла деган жойда эди. У фитнадан қочиб, ўша ерга борган эди. Унинг ўлим соати яқинлашиб қолди. У кечалари атрофидаги шерикларига ҳадеб: «Тонг отдими?» дер эди. Улар: «Йўқ», дейишарди. Бир куни тонгга яқин шеригига: «Эй Ҳишом, қара-чи, тонгнинг совуқ ҳавосини сезяпман», деди. Сўнг: «Аллоҳим, амалиминг хотимасини ушбу бомдод намозида қилгин», деб дуо қилди ва таҳорат олиб, намоз ўқиди. Биринчи ракъатга Фотиҳ а ва Одиёт сурасини, иккинчи ракъатга Фотиҳа билан яна бир сурани ўқиди. Кейин ўнг ва чап тарафига салом берди-ю, жони узилди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан